



O'ZBEKISTON
RESPUBLIKASI
MILLIY QIYOS PALATASI
INV. №

Халқ сўзи


Ўзбекистон -
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2009 йил 19 ноябрь, № 225 (4888)

Пайшанба



ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

18 ноябрь кuni Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлиси Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Спикери Д. Тошмухамедова олиб борди. Депутатлар Қонунчилик палатасининг Кенгаши томонидан тақлиф этилган кун тартибни тасдиқладилар.

Депутатлар Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг ўринбосари М. Мирзаевнинг Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2009 йил тўққиз ойидаги ижроси ахбороти тўғрисидаги маърузасини эшитдилар. Ушбу масала юзасидан Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси раиси А. Аҳдов қўшимча маъруза қилди.

Мамлакатимиз бош молиявий ҳужжатининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни қўриб чиқиш жараёнида барча сиёсий партиялар фракцияларининг вакиллари сўзга чиқдилар. Депутатлар таъкидладиларки, ҳисобот даврида мамлакатимиз иқтисодиётининг ривожланиши давом этди, бюджет-солиқ сиёсати ҳужжалик юритувчи субъектларга солиқ юки камайтирилган ҳолда бюджетнинг даромад ва харажат қисмлари мутаносиблигини таъминлашга қаратилди, иқтисодий ўсиш иқтимоий муаммоларни муваффақиятли ҳал этишга қўмаклашди. Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислол Каримов томонидан республикамиз ҳукуматининг 2009 йил 13 февралдаги мажлисида белгилаб берилган 2009 йилда мамлакатни иқтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишлари, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозини оқибатларини бартараф этишга доир чора-тадбирлар дастурининг жорий йилнинг тўққиз ойи давомида амалга оширилиши иқтисодиётни ривожлантиришнинг барқарор ва мутаносиб суратларини сақлаб қолишга қўмаклашди ҳамда 2009 йилнинг асосий прогноз кўрсаткичлари баҳардорлиги учун мустаҳкам пойдевор яратди. Давлат бюджетининг янги ички маҳсулотга нисбатан 0,2 фоиз профицит билан икром этилганлиги, шунингдек, пул ва истеъмол бозорининг мутаносиблиги инфляция даражасини энг паст даражада (4,2 фоиз), прогноз кўрсаткичларидан ошмайдиган миқдорда сақлаб қолишга қўмаклашди. Маҳаллий экспортёрлари қўлаб-қуватлаш чора-тадбирлари ташқи савдо балансининг 2,3 миллиард доллардан зиёд миқдордаги иқтисодий салбосини таъминлади. Жорий йилнинг тўққиз ойи ичида 743,5 мингта, яъни 2008 йилнинг шу давридагига нисбатан 36,4 фоиз кўп янги иш ўринлари яратилди.

Муҳокама пайтида депутатлар бюджетнинг шаклланти-

рилишига ва жойларда, минтақаларда ижро этилишига катта эътибор қаратилиши зарурлиги ҳақида фикр билдирдилар. Давлат бюджетининг газначилик ижросини жорий этиш билан боғлиқ вазиятларни таҳлил қилишга, қонунларнинг жойларда ижро этилишига ва амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳаракатга келтирилган механизмларнинг самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратиш керак бўлади.

Муҳокама пайтида билдирилган фикр ва мулоҳазаларни ҳисобга олган ҳолда, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2009 йил тўққиз ойидаги ижроси ахборотини тасдиқлади ва тегишли қарор қабул қилди.

«Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 10 ва 11-моддаларига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси тўғрисида Меҳнат ва иқтимоий масалалар қўмитасининг аъзоси О. Разақов маъруза қилди. Тақлиф этилган бўлган қўмитанинг аҳолига қўрашга алоҳида эътибор қаратишга қўмаклашди ҳамда 2009 йилнинг асосий прогноз кўрсаткичлари баҳардорлиги учун мустаҳкам пойдевор яратди. Давлат бюджетининг янги ички маҳсулотга нисбатан 0,2 фоиз профицит билан икром этилганлиги, шунингдек, пул ва истеъмол бозорининг мутаносиблиги инфляция даражасини энг паст даражада (4,2 фоиз), прогноз кўрсаткичларидан ошмайдиган миқдорда сақлаб қолишга қўмаклашди. Маҳаллий экспортёрлари қўлаб-қуватлаш чора-тадбирлари ташқи савдо балансининг 2,3 миллиард доллардан зиёд миқдордаги иқтисодий салбосини таъминлади. Жорий йилнинг тўққиз ойи ичида 743,5 мингта, яъни 2008 йилнинг шу давридагига нисбатан 36,4 фоиз кўп янги иш ўринлари яратилди.

Муҳокама пайтида депутатлар бюджетнинг шаклланти-

рилишига ва жойларда, минтақаларда ижро этилишига катта эътибор қаратилиши зарурлиги ҳақида фикр билдирдилар. Давлат бюджетининг газначилик ижросини жорий этиш билан боғлиқ вазиятларни таҳлил қилишга, қонунларнинг жойларда ижро этилишига ва амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳаракатга келтирилган механизмларнинг самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратиш керак бўлади.

Муҳокама пайтида билдирилган фикр ва мулоҳазаларни ҳисобга олган ҳолда, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2009 йил тўққиз ойидаги ижроси ахборотини тасдиқлади ва тегишли қарор қабул қилди.

«Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 10 ва 11-моддаларига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси тўғрисида Меҳнат ва иқтимоий масалалар қўмитасининг аъзоси О. Разақов маъруза қилди. Тақлиф этилган бўлган қўмитанинг аҳолига қўрашга алоҳида эътибор қаратишга қўмаклашди ҳамда 2009 йилнинг асосий прогноз кўрсаткичлари баҳардорлиги учун мустаҳкам пойдевор яратди. Давлат бюджетининг янги ички маҳсулотга нисбатан 0,2 фоиз профицит билан икром этилганлиги, шунингдек, пул ва истеъмол бозорининг мутаносиблиги инфляция даражасини энг паст даражада (4,2 фоиз), прогноз кўрсаткичларидан ошмайдиган миқдорда сақлаб қолишга қўмаклашди. Маҳаллий экспортёрлари қўлаб-қуватлаш чора-тадбирлари ташқи савдо балансининг 2,3 миллиард доллардан зиёд миқдордаги иқтисодий салбосини таъминлади. Жорий йилнинг тўққиз ойи ичида 743,5 мингта, яъни 2008 йилнинг шу давридагига нисбатан 36,4 фоиз кўп янги иш ўринлари яратилди.

Муҳокама пайтида депутатлар бюджетнинг шаклланти-

БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ ВА САМАРАДОРЛИК

қурилиш саноати юксалишининг асосий мезонларидир

Мамлакатимизнинг шаҳару қишлоқларида амалга оширилаётган кенг қўламдаги қурилиш ишларини кузатиб, қалбимиз фахр-ифтихорга тўлади. Зотан, бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари иқтисодий юксалиш белгиси, халқ фаровонлигининг кўзгусидир.

Кувонарлиси, юртимизда қад ростлаётган бири-бирдан кўркам бинолар, замонавий тураржой ва иқтимоий соҳа объектлари ўзимизда ишлаб чиқарилган материаллар асосида тикланапти. Чунки кейинги йилларда давлатимиз томонидан мазкур соҳага қаратилаётган алоҳида эътибор тўғрисида қурилиш саноати тобора ривожланмоқда. Хар йили қўлаб янги қорхоналар ишга туширилиб, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар тайёрлаш ўзлаштирилаётган. Жорий йилнинг 9 ойида 122 та ана шундай янги қорхона маҳсулот бера бошлагани бунинг исботидир.

Ишлаб чиқарувчилар билан қурилиш ташкилотлари кооперация алоқаларининг мустаҳкамланишида, маҳаллий ва хорижий мижозларга маҳсулотларини кенг намойиш қилишда, айниқса, аънавий ўтказиб келинаётган ихтисослашган кўرғазмаларнинг аҳамияти катта бўлмоқда. Кеча пойтахтимиздаги «Ўзқоспона» мажмуида қурилиш соҳаси бўйича шундай яна бир муҳим тадбир иш бошлади. «BuildExpo Uzbekistan — 2009» деб номланган бу халқаро кўрғазма «TNT Productions, Inc» халқаро кўрғазмалар компанияси ҳамда «Ўзуқурилишматериаллари» акциядорлик компанияси ҳамкорлигида ташкил этилди.

(Давоми 2-бетда).



ҲАРБИЙ ХИЗМАТГА ТАЙЁРГАРЛИК: ВАЗИФАЛАР ВА ЕЧИМЛАР

Кеча Тошкент вилояти ҳокимлигида қишлоқ ёшларини ҳарбий хизматга тайёрлашда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг, жамоат бирлашмалари ва бошқа ташкилотларнинг вазифаларига бағишланган семинар ўтказилди.

Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Мудофаа ва ҳавфсизлик масалалари қўмитаси, Мудофаа вазирлиги ҳамда халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши ҳамкорлигида ўзлаштирилган мазкур тадбирда сенаторлар, вилоят кенгаши депутатлари, Куролли Куچлар Фабрикалари, тегишли давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари қатнашди.

Тадбирда таъкидланганидек, бугун мамлакатимизда профессионал армиянинг шакллантиришга қаратилган изчил ислохотлар амалга оширилмоқда. Чунки

кенгаш депутатлари «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини жойларда изчил ижро этиш, чақирув комиссиялари ишини янада такомиллаштириш, чақирилувчиларнинг тиббий қўриқдан сифатли ва ҳолисона ўтказилиши юзасидан тегишли чоралар кўриш лозимлигини алоҳида қайд этдилар. Айниқса, давлат ва нодавлат ташкилотлари ёшларнинг ҳам жиҳсонан, ҳам маънан етук инсон бўлиб вояга етишлари, улар ўртасида миллий ва умуминсоний қадриятлар, маънавиятни кенг тарғиб қилишда ўзаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш лозимлиги семинар қатнашчиларининг диққат эътиборида бўлди.

Қ. ХИДИРОВ.

ТУРМУШИМИЗ ФАРОВОНЛИГИ ЮКСАЛМОҚДА

Президентимизнинг кунини кеча эълон қилинган «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва иқтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармони барчамизга катта мамнуният бағишлади.

Фармон билан атрофда танишиб чиқиб, шунга амин бўлдикки, аҳоли даромадлари ва турмуш даражасини янада ошириш мақсадида таъбиқ этилаётган мазкур ҳужжат халқимизнинг барча қатламларини қамраб олгани билан алоҳида аҳамият касб этди. Одамларимизнинг эртанги кунини ўйлаб қилинаётган бу каби эзгу чора-тадбирлар қалбимизга ўзгача гурур бағишлаб, келажимизга бўлган ишонч ҳиссини юксалтириш баробарида, бугунги кунимизга шўхрона айтишга ҳам ундайди. Чунки ҳозир дунёда рўй бераётган

Ҳап шундаки, дунёда мураккаб шароит ҳукм сураётган бўлишига қарамайдан, бизда аҳоли фаровонлигини ошириш мақсадида изчил эътибор қаратишмоқда ва бу ўзидан бўладиган иш эмас. Жумладан, биргина 2008 йилнинг ўзига ўртача иш ҳақи бюджет ташкилотларида 1,5 баробардан зиёд, бутун иқтисодиёт бўйича эса 1,4 баробар ошди.

Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилда ҳам бу эзгу ишлар бир маромад давом эттирилмоқда. Буларнинг барчаси Юртбошимизнинг узоқни ўйлаб, амалга ошираётган оқилона сиёсатлари шарофатидир. Тиббиёт соҳа-

сининг бир вақили сифатида айтишим мумкинки, бундай ҳам моддий, ҳам маънавий гаҳмўрликдан биз ҳам мунтазам баҳраманд бўлмоқда. Истиқлол тўғрисида қасбимиз янада улугланди, қадрланди. Мисол учун, ҳар йили ноябрь ойининг иккинчи якшанбаси Тиббиёт ходимлари кунини деб белгиланган ва биз бу санани доимо байрам сифатида нишонлаб келмоқдамиз. Бу кунимизга куч, гайратимизга гайрат қўймоқда. Ниятимиз, мустақиллигимизга кўз тегмасин, эзгу ишларимиз бардавом бўлсин.

Баҳодир Тўхтаев, Муборак тумани тиббиёт бирлашмаси бош врач.

Қ. НАЖМИДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ОЧИҚЛИК ВА ОШКОРАЛИК - САЙЛОВНИНГ МУҲИМ ТАМОЙИЛЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг матбуот марказида «Ошқоралик ва очиклик — сайлов кампаниясининг асосий тамойиллари» мавзусида амалий семинар бўлиб ўтди.

Семинарда Марказий сайлов комиссияси аъзолари, Қорақалпоғистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси матбуот хизмати, вилоятлар ва Тошкент шаҳар сайлов комиссиялари ҳузуридаги матбуот гуруҳлари раҳбарлари, Ўзбекистон Миллий телерадиокорпорацияси, Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Ўзбекистон Журналистлари иқтисодий уюшмаси, Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликлари қўлаб-қуватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти вакиллари, сиёсий партиялар матбуот хизматлари раҳбарлари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловига тайёргарлик қилиш ва уни ўтказиш жараёнида очиклик ва ошқоралик ҳамда транспарентлики таъминлаш, сайлов жараёнида оммавий ахборот воситаларининг роли масалалари семинарнинг асосий мавзуси бўлди.

Семинар матбуот гуруҳлари раҳбарларининг миллий сайлов қонунчи-

ва ошқоралик тамойилларига, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловига тайёргарлик қилиш ва уни ўтказиш бўйича Концепцияга қатъий амал қилинган ҳолда ташкил этилиши ва ўтказилишини таъкидлади.

Тадбир иштирокчиларига мазкур Концепция асосида амалга оширилган ишлар ҳақида батафсил маълумот берилди.

Таъкидландики, марказда ва жойларда сайлов комиссиялари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловига тайёргарлик қилиш ҳамда уни ўтказиш борасидаги ишларни очик ва ошқораламалга ошириши учун барча зарур

(Давоми 2-бетда).

МАМЛАКАТ БЎЙЛАБ

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

БУХОРО. «Ғижувон ўқув-ишлаб чиқариш қорхонаси» масъулияти чекланган жамиятида модернизация ишлари амалга оширилган, тайёрланган калава ип маҳсулотлари сифати тубдан яхшиланди.

Маҳсулот сифати яхшиланди

Шу бонис ички бозорда қорхона маҳсулотлари харидорнинг бўлиб бормоқда. Шунингдек, тежамкор технологиялар ёрдамида электр энергияси сарфи ҳам ойига 5 минг киловатт соатга қисқарди. Эътиборлиси, жамиятни техник ва технология янгилаш натижасида 28 та янги иш ўрни яратилди.

Айтиш лозимки, қорхона жорий йилнинг ўтган даврида бюртмачиларга 72 тонна калава ип маҳсулотлари етказиб берди.

Истам ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

НАМАНГАН шаҳридаги олти та маҳаллада трансформатор кичик станциялари янги ва юқори қувватлига алмаштирилиши натижасида ҳудудда электр таъминотидаги узиллишларга чек қўйилди.

Таъминотда узиллиш бўлмади

Шунингдек, шаҳар четидида Меҳнатобод, Гўнча, Яқкасада, Фазлий сингари маҳаллаларда трансформатор кичик станциялари тўлиқ таъмирдан чиқарилди.

Бу эзгу тадбирларни амалга ошириш учун бир миллиард сўм маблағ сарфланди.

Қ. НАЖМИДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН. Чимбой туманидаги «Ўтов» масъулияти чекланган жамияти қошида гишт ишлаб чиқаришга мўлжалланган янги технологик линия ишга туширилди.

«Ўтов»да гишт тайёрланапти

Бунинг учун тадбиркор М. Ҳабипов банкдан олган кредит ҳисобига йилига 2 миллион донна гишт ишлаб чиқариш қувватига эга технологиялар олиб келиб ўрнатди. Қорхонанинг 15 кишилик жамоаси ўтган қисқа вақт мобайнида 20 миллион сўмлик маҳсулотни харидорларга етказиб берди.

Айни пайтда тадбиркор жамият қошида темир-бетон бўйларни тайёрлашни йўлга қўйиш ҳаракатида.

Ҳ. АҲМЕДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.





ДАВЛАТ-ТИЖОРАТ ХАЛҚ БАНКИНИНГ

«Ижтимоий-рағбат» ютуқли омонати бўйича 2009 йил 14 ноябрда Самарқанд шаҳрида ўтказилган 8-ютуқлар тиражининг

РАСМІЙ ЖАДВАЛИ

Table with 5 columns: №, Ютуқ миқдори, Худудий филиал, Туман (шаҳар) филиали, Банк муассасаси, Ҳисоб-варак рақами. Contains 39 rows of data.

Table with 5 columns: №, Ютуқ миқдори, Худудий филиал, Туман (шаҳар) филиали, Банк муассасаси, Ҳисоб-варак рақами. Contains 78 rows of data.

Table with 5 columns: №, Ютуқ миқдори, Худудий филиал, Туман (шаҳар) филиали, Банк муассасаси, Ҳисоб-варак рақами. Contains 115 rows of data.

Изоҳ: шунингдек, «Ижтимоий-рағбат» омонати бўйича 3647 та 10000, 5000 ҳамда 1000 сўмлик ютуқлар ўйналиб, омонатчилар ушбу ютуқларни аниқлаш учун Халқ банкининг омонат ҳисобварағи очилган муассасаларига мурожаат қилишлари лозим.

«Олтин куз» ютуқли омонати бўйича 2009 йил 14 ноябрда Самарқанд шаҳрида ўтказилган ютуқлар тиражининг

РАСМІЙ ЖАДВАЛИ

Table with 5 columns: №, Ютуқ номи, Худудий филиал, Туман (шаҳар) филиали, Банк муассасаси, Ҳисоб-варак рақами. Contains 49 rows of data.

Table with 5 columns: №, Ютуқ номи, Худудий филиал, Туман (шаҳар) филиали, Банк муассасаси, Ҳисоб-варак рақами. Contains 99 rows of data.

Table with 5 columns: №, Ютуқ номи, Худудий филиал, Туман (шаҳар) филиали, Банк муассасаси, Ҳисоб-варак рақами. Contains 144 rows of data.

«Саёҳат» ютуқли омонати бўйича 2009 йил 14 ноябрда Самарқанд шаҳрида ўтказилган ютуқлар тиражининг

РАСМІЙ ЖАДВАЛИ

Table with 5 columns: №, Ютуқ номи, Худудий филиал, Туман (шаҳар) филиали, Банк муассасаси, Ҳисоб-варак рақами. Contains 5 rows of data.

Table with 5 columns: №, Ютуқ номи, Худудий филиал, Туман (шаҳар) филиали, Банк муассасаси, Ҳисоб-варак рақами. Contains 10 rows of data.

Table with 5 columns: №, Ютуқ номи, Худудий филиал, Туман (шаҳар) филиали, Банк муассасаси, Ҳисоб-варак рақами. Contains 14 rows of data.

Хайъат раиси — Самарқанд шаҳар ҳокимининг ўринбосари

Масъул котиб — Халқ банки бошқарувининг Пул муомаласи департаменти директори ўринбосари

Ж. УРОҚОВ

М. САМДОВ

Полиграфия корхоналари раҳбарлари диққатига!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СТАТИСТИКА ҚҮМИТАСИ

2010 йилга давлат статистика ҳисоботлари шакллари нашр қилиш бўйича савдо (тендер) танлови эълон қилади.

Танловда иштирок этиш истагида бўлган полиграфия корхоналари куйдаги талабларга жавоб бериши керак:

- полиграфия соҳасида сўнгги беш йилдан кам бўлмаган иш тажрибасига эга бўлиши;
- нашр ишларини субпудрат тақшилотларни жалб қилмасдан амалга ошириш учун зарур хом ашё, асбоб-ускуна, техника воситалари ва ходимларга эга бўлиши;
- шартнома (контракт) тузиш учун фуқаролик ҳуқуқий лаёқати ҳамда ваколатига эга бўлиши.

Танлов бўйича ҳужжатларни ариза берилганидан сўнг (фирма бланкисида раҳбар имзоси билан) Давлат статистика қўмитасидан куйдаги манзилдан олиш мумкин:

Тошкент шаҳри, Мустақиллик شوҳқўчаси, 63-уй, 6-қават, 614-хона. Телефон: 150-50-85.

Танлов бўйича тақлидларни конвертларда юқорида кўрсатилган манзилга савдо ўтказиладиган куни соат 11.00 гача тақдим этиш мумкин. Тақлиф конвертлари эълон чоп этилгандан бошлаб 10 кундан кейин Давлат статистика қўмитасида соат 16.00 да, танловда қатнашувчи корхоналар вакиллари иштирокида очилади.

Advertisement for KOLORSINTEZ featuring a globe, company logo, and text: 'Замонавий технологиялар бўйича ЛОК-БҮЁК МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ', 'ТАДБИРКОРЛАР ВА ПАХТА ЕТИШТИРУВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!', 'Похта, брезент, гилам маҳсулотлари, пардалар ҳамда тез ёнувчан матоларни ёнғиндан сақлаш учун "ДЕФЛАМ" ЁНГИНГА ҚАРШИ ВОСИТАСINI тақлиф қиламиз.', 'ШИМДИРИНГ ВА ХОТИРЖАМ БЎЛИНГ!', 'Ўзбекистон Республикаси, 100005, Тошкент шаҳри, Фарғона йўли кўчаси, 13/22. Тел.: (998 71) 291-47-41, 291-80-94. Факс: (998 71) 291-74-63. E-mail: lokcolor_uzj@mail.ru www.lokkolor.uz'.

«Фонон» илмий-ишлаб чиқариш давлат корхонаси жамоаси лаборатория мудири, физика-математика фанлари доктори, профессор Жалил Ибрагимовга акиси Абдурахим ИБРАГИМОВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади. Тошкент педиатрия тиббиёт институти жамоаси Кулоқ, томоқ, бурун кафедраси доценти Рашид Мирзиёзовга падари бузруквори, Тошкент тиббиёт академиясининг Кулоқ, томоқ, бурун кафедраси профессори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби Қўчқор МИРЗИЁЗОВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Табиат меҳрдан яшнайд

Она табиатни асраб-авайлаш, атроф-муҳит мусоффолигини таъминлаш масаласи бугун юртимизда доимий эътибордаги масалалардан бири ҳисобланади. Шу маънода ёш авлодни яратувчанлик ва бунёдкорлик руҳида тарбиялаш, ўғил-қизлар қалбига юрт ободлигига интилиш ҳиссини шакллантириш ҳар жиҳатдан устувор аҳамият касб этади.

“Бухоро жайрони изидан” (“Зарафшон” кўриқхонаси), “Жайрон изидан” (“Жайрон” экомаркази, Бухоро вилояти), “Пўлатхон афсонаси”, “Чўққи сирини”, “Чимён ҳалқаси” (Уғом — Чотқол табиий миллий боғи) номи экологик экспедициялар уюштирилди.

Экология

Жамғарма ҳомийлигида тўққиз йилдан буён ёғи “Эколандия” оромгоҳлари ташкил этилмоқда. Кичиктойларни ўз бағрига чорловчи ушбу масканларда тоза ичимлик суви, мусоффо ҳаво, чиқиндиларни зарарсизлантириш, электр энергияси ва газни тежаш, ўсимлик ва ҳайвонот олами муҳофазаси каби ижтимоий-экологик долзарб муаммолар ечимини топишга қаратилган амалий маш-

ғулотлар, интеллектуал ўйинлар, мусобақа ва беллашувлар ўтказиб борилади.

Экологик акция доирасида уюштирилган “Чимён-экстрим” спорт байрамининг тоғ-ён бағирларида кўникма-га эга бўладилар. Келажак авлод шурурида она табиатга меҳр билан муносабатда бўлиш туйғусини уйғотиш асосий мақсад саналган бундай оромгоҳ Тошкент вилоятига қарашли Уғом-Чотқол табиий миллий боғида ҳар йили фаолият кўрсатади. Бу ерда танлов асосида саралаб олинган 40-50 нафар ўғил-қиз дам оладилар.

Албатта, бундай оромгоҳларни ташкил этишда ҳомийлар

ёрдами зарур. Даставвал бу эзгу ишга кам сонли ташкилотларгина бош қўшишган бўлса, эндиликда табиат шайдоларини қўллаб-қувватловчи муассис ва ҳомийлар сафи тобора кенгайиб бормоқда. Масалан, Тошкент вилояти ҳокимлиги, Республика табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, Республика Болалар сайёҳлиги ва ўлкашунослик маркази ва унинг Тошкент вилояти бўлими, ЎзЛиДеПнинг Чирчиқ шаҳар кенгаши, “Экофорум” ташкилоти, Ўзбекистон Қўшларни муҳофаза қилиш жамияти сингари ҳомийлар баҳоли кудрат моддий кўмак бермоқдалар. Чунки бугун табиатга салбий муносабатда бўлишнинг олдини олиш учун, аввало, ёшларнинг экологик саводхонлигини оширишга жиддий эътибор қаратиш даркорлиги кўпчиликка аён ҳақиқатга айланган. Зеро, ҳар бир ўғил-қиз болаликданок атроф-муҳитни асраб-авайлашга, мусоффо табиатни ардоқлашга ўргана, ўз-ўзидан, улар қалбига юрта муҳаббат туйғуси ҳам чуқур илдири ота бошлайди.

Нозимжон МҲМИНОВ,
«Соғлом авлод учун»
халқаро жайрон жамғармаси
ижрочи директори.



Бундан ўн олти йил муқаддам Президентимиз Фармонига мувофиқ ташкил этилган “Соғлом авлод учун” халқаро жайрон жамғармаси бугунги кунда айни мақсадга хизмат қилувчи чора-тадбирларнинг изчил ижросини таъминлашга ҳисса қўшмоқда. Мамлакатимиз аҳолисининг ижтимоий ҳимояга эҳтиёжманд қатламларини қўллаб-қувватлаш ҳамда ёш авлодни маънавий баркамол шахс сифатида ўстириш мазкур жамғарманинг муҳим вазифаларидан биридир. Шу боис ушбу ташкилот мамлакатимиздаги барча таълим-тарбия масканла-

ри ҳамда Меҳрибонлик уйлари билан доимий ҳамкорлик қилиб келмоқда. Хусусан, жамғарма ёшлар камоли йўлидаги эзгу ишлар қаторида ўқув муассасаларининг экологик дастур ва лойиҳаларини қўллаб-қувватлашни ҳам кўзда tutади. Бу борада Ўзбекистон экологик ҳаракати, Ўлкашунослик ва болалар сайёҳлиги маркази, Ўзбекистон Альпинистлар федерацияси билан ҳамкорликда қатор тадбирлар ташкиллаштирилмоқда. Бундан ташқари, ёшлар экологик туризмининг ривожлантириш ва биохимла-хилликни асраш мақсадида бир неча бор

Республикамизда аҳолини сифатли дори-дармон воситалари билан таъминлаш мақсадида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Президентимизнинг 2007 йил 19 ноябрдаги “2011 йилгача бўлган даврда фармацевтика тармоғи корхоналарини модернизация қилиш, техникаси ва технология қайта жиҳозлаш Дастури тўғрисида”ги қарори соҳада ижобий ўзгаришлар учун дастуриламал бўлди.

ИЖОБИЙ ЎЗГАРИШЛАР АСОСИ

Шунингдек, соҳага хориз сармоясининг жалб қилиниши, илгор технологияларнинг ишлаб чиқаришга жорий этилиши маҳсулотлар сифатини кафолатлаш имконини бермоқда. Ана шундай кенг имкониятлардан фойдаланиб, дори-дармон санаяти ривожига улуш қўшаётган

ларимиз етарли. Соҳага табиий этилатган замонавий технологиялар, амалга оширилган модернизация жараёни соҳа тараққиётига хизмат қилади.

“Jurabek Laboratories” қўшма корхонасида фармацевтика санаятининг ривожлантириш мақсадида маҳал-



корхоналардан бири “Jurabek Laboratories” қўшма корхонасидир. 1996 йилда иш бошлаган, жаҳон фармацевтикаси стандартларига тўла жавоб берадиган, замонавий ишлаб чиқаришни йўлга қўйган корхона бугун ўз нуфузига эга. Буни корхонанинг 2007 йилда Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан “Йилнинг энг яхши корхонаси” деб топилганида ҳам кўриш мумкин. 2008 йилда эса корхона маҳсулотлари сифатига халқаро эътироф берилиб, ISO 9001, ISO 13485 ҳамда GMP халқаро сифат сертификати олинганлиги халқаро бозорда ҳам унинг имкониятини кенгайтди.

Тиббиёт

— Фармацевтика санаяти ривожига илмий муассасаларнинг муносиб ўрни бор, — дейди корхона раҳбари С. Кариев. Илмий текшириш институтлари, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва бошқа бир қатор ташкилотлар билан биргаликда янги дори ва тайёр дори воситалари кенг қамраб чиқариш бўйича ишлар қўламли иш олиб бормоқда. Бунинг учун имконият-

янада фаол иштирокчисига айланиш, маҳсулот сифатини янада ошириш ва унинг кафолатли бўлишини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқаришга янада янги, замонавий технологияларни жалб этишга, соҳа тараққиёти учун инвестиция кiritишга жиддий эътибор қаратилаётган. Бугунги кунда корхона ҳамкорларининг сони 400 дан ошиб кетганлиги эса ишлаб чиқаришда ўсишининг муттасил ошиб бораётганлигини кўрсатади. Шунинг алоҳида қайд этиш лозимки, маҳсулотларнинг сифатли бўлишига эришиш ва соҳада ҳамкорлик алоқасини ривожлантириш тараққиётга хизмат қилмоқда.

Бугунги кунда юртошларимизга “Jurabek Laboratories” қўшма корхонаси ва дорихоналарининг номи яхши таниш. Нафақат таниш, балки улар аҳоли ишончини тўла оқламақда, деб бемалол айта оламиз. Бир сўз билан айтганда, миждош ишончи — олий баҳо. Санъатлик, сифат ва тараққиёт йўлида олиб борилаётган ишлар хайрли бўлганидек, корхона жамоасининг мақсади ҳам шундай эзгуликка йўрилгандир.

Ханифа ШАМИЕВА.

Спорт • Sport • Спорт

Футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси 2011 йили Катарда бўладиган Осиё чемпионати йўлланмасини мuddатидан олдин қўлга киритди.

УЧ ҲАЛАҚАДА УЧ ҲАЛАҚА

Ҳамюртларимиз кеча Куала-Лумпур шаҳридаги “Букит Жалил” стадионида Малайзия терма жамоасига қарши саралаш учрашувида майдонга тушиб, 3:1 ҳисобида зафар қучишди. Бундан бир неча кун муқаддам Тошкентда ўтган беллашув ҳам шу ҳисобда футболчиларимиз фойдасига ҳал бўлган.

Фофуров (33), Баҳодир Насимов (59) ва Тимур Кападезе рақиб дарвозасига тўп киритишга муваффақ бўлишди. Таъкидлаш лозимки, Самарқанднинг “Динамо” клуби аъзоси Баҳодир Насимов терма жамоа сафида илк бор майдонга тушди.

Хушхабар

Ушбу муваффақиятдан сўнг Ўзбекистон терма жамоаси очколарини 9 тага етказиб, “С” гуруҳда яқка пешқадам бўлиб олди. Иккинчи ўринда бораётган Бирлашган Араб Амириклари футболчилари 3 очко жамғаришган. Юртошларимиз гуруҳдаги сўнгги ўйинни 2010 йилнинг 3 март кунги ўз майдонида БАА футболчиларига қарши ўтказишди.

БИЛЛУР КУБОК — «СИТОРА»ДА

Бухоро шаҳрида чим устида хоккей бўйича айлар жамоалари ўртасида Ўзбекистон кубоғи баҳслари бўлиб ўтди.


Унда кутилганидек, мамлакатнинг кўп қарра чемпиони — Бухоронинг “Ситора” жамоаси муваффақиятли иштирок этди. Мураббий Ойбек Патиодоновнинг шоғирдлари Самарқанд, Андижон, Бухоро ихтисослаштирилган Олимпия заҳиралари болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари ҳамда “Учқўргонёр” жамоаларини мағлубиятга учратдилар. Рақиблар дарвозасига жами ўн та тўп йўлланди. “Ситора” ҳимояда ҳам пухта ўйнаб, ўз дарвозаси дахлсизлигини сақлаб қолди. Натижада мамлакат кубоғи соҳибига айланди.

Бухорода, шунингдек, олий лига эрақлар командалари ўртасида ҳам мамлакат кубоғи учун беллашувлар бўлиб ўтди. Учрашувларни кўтаринки руҳда ўтказган “Андижон” жамоаси энг кўп очко жамғариб, кубокни қўлга киритди.

И. ИБРОХИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

БОЛАЛАРНИНГ СЕВИМЛИ МАСКАНИ

Ҳар томонлама ҳавасга лойиқ соғлом авлодни тарбиялаш келажакимизни таъминлашнинг муҳим омилдир. Шу боис ҳам истиқлол йилларида мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида жисмонан ва маънан соғлом авлодни вояга етказишга давлат сўбаси даражасида эътибор қаратилмоқда. Бу мақсадга эришишда спорт, айниқса, болалар спортини ривожлантириш муҳим аҳамиятга эгадир.



Давлатимиз раҳбарининг 2002 йил 24 октябрдаги “Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тўзиш тўғрисида”ги ва 2004 йил 29 августдаги “Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари бу ишларни ташкил этишда дастуриламал бўлиб хизмат қилаётганини қайд этиш жоиз.

Шу йилнинг январь ойида Оксаройда Президент Ислам Каримов раислигида ўтказилган Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Хомийлик Кенгашининг навбатдаги ййгилишида таъкидланганидек, Болалар спортини ривожлантириш жам-

ғармасини ташкил этишдан қўзланган асосий мақсадлардан бири жисмоний тарбиянинг оммавийлигини таъминлашдир. “Спорт — соғлом авлод, соғлом келажак дегандир. Бинобарин, фақат соғлом халқ, соғлом миллатгина буюк ишларга қодир бўлади”, дея айтиб ўтганди Юртбошимиз.

Ислохотларнинг амалий самараси ўлароқ, ҳозирда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида, чекка-чекка кишлоқларида ҳам бир-бириндан кўркам ва маҳобатли, замон талабларига тўла жавоб берадиган спорт мажмуалари барпо этилмоқда. Уларнинг аксарияти аҳоли зич жойлашган ҳудудларда қад ростламоқда.

Пойтахтимизнинг Чилонзор туманида фойдаланишга топширилган “Чилонзор” болалар спорт мажмуаси қисқа фурсатда шу атрофда яшовчи болаларнинг сеvimли масканига айланган. ТИП-II лойиҳаси асосида бунёд этилган мазкур мажмуада 42/18 метрли ёпик спорт зали, эркин кураш ва

тренажёр заллари, халқаро талабларга жавоб берадиган футбол майдони, иккита теннис корти фаолият кўрсатмоқда. Бу ердаги футбол, теннис, баскетбол, қўл тўпи, бадий гимнастика, акробатика, шахмат, каратэ каби ўндан ортиқ спорт тури бўйича тўғарақларда қўлаб болажонлар ўз маҳоратларини оширмоқдалар.

— Махмуа иш бошлаган кезлари 250 нафар бола тўғарақларга қатнашаётган эди, — дейди Халқ таълими вазирлиги хузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Чилонзор тумани вакили Турсунбой Абдураимов. — Бугунги кунга келиб, уларнинг сони 600 нафардан ошиб кетди. Бизнинг асосий мақсади- миз ҳам спортнинг оммавийлигини таъминлашдир. Айниқса, футбол, бадий гимнастика, акробатика тўғарақларига қизиқиш катта. Бундан кейин ҳам жисмоний тарбия билан шуғулланаман, деган барча ёшлар учун эшигимиз очик.

Акробатика тўғарағи раҳбари Оксана Гофурованинг айтишича, у биринчи машғулотини тўрт нафар бола билан бошлаган экан. Ҳозирда эса шуғулланувчилар сони йигирмадан ошди. Тақрибанли мураббий эндиликда ўз шогирдларини турли мусобақаларда синаб кўрмоқчи.

“Чилонзор” болалар спорт мажмуаси Тошкент шаҳар терма жамоалари ўртасида саралаш турнири ўтказилган мобайнида “Умид ниҳоллари” дастуридан жой олган баскетбол мусобақасининг шаҳар бооқичи мазкур мажмуада зўр муваффақият билан уюштирилди. Бундан ташқари, ушбу мажмуа мактаб ўқувчиларининг “Езги таътил — 2009” мусобақалари ва бир қатор халқаро турнирларга ҳам мезбонлик қилди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.
Хасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

“ВОЛГА” АВТОМОБИЛЛАРИГА МАКСИМАЛ ЧЕГИРМА



AVTODOM PLUS
“ТА” РУСУМИНИНГ РАСМИЙ ДИЛЕРИ
WWW.AUTO.UZ

Автосалон:
Тошкент ш., Бунёдкор шоҳқўчаси, 118-уй.
Тел.: (998 71) 140-41-21, 140-41-22.
Офис:
Тошкент ш., 100015, Шаҳрисабз к., 16-«А» уй.
Тел./факс: (998 71) 256-03-62, 256-13-01.

Шунингдек, сотувда 3307 русумли вахта автобуслари ҳам мавжуд.

ПП «ЧИРЧИК ШАНХАЙ ПЛАСТ»
ПРОИЗВОДИТ
НАПОРНЫЕ
ПОЛИЭТИЛЕНОВЫЕ
ТРУБЫ
ДИАМЕТРОМ ОТ 16 мм ДО 1 200 мм
ДЛЯ ГАЗА, ПИТЬЕВОЙ ВОДЫ И КАНАЛИЗАЦИИ,
КОМПЛЕКТУЕТ АДАПТЕРАМИ, СОЕДИНИТЕЛЯМИ,
ОТВОДАМИ, ТРОЙНИКАМИ.
ПРОИЗВОДИТ МОНТАЖНО-УКЛАДОЧНЫЕ РАБОТЫ.
Товар сертифицирован, гарантия — 5 лет, срок службы — 50 лет.
Адрес: Ташкент, ул. Шайхантахур, 36, 3-й этаж, бизнес-центр «ЛАБЗАК».
Тел./факс: 241-70-06, 244-83-00, моб. (+998 93) 547-46-75, (+998 90) 995-19-99, e-mail: sedou2006@yandex.ru
9.00 дан 18.00 гача
233-10-60
236-09-25
232-10-63
242-хона

ОБ-ҲАВО
(19 ноябрь)
Корақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти. Ҳаво ўзгариб туради, ёгингарчилик бўлмайди. Кечаси 3 даража совуқ билан 2 даража илиқ ўртасида, кундузи 10-15 даража иссиқ бўлади.
Бухоро ва Навоий вилоятлари. Ёгингарчилик кутилмайди. Ҳарорат тунда 1-6 даража илиқ, кундузи 13-18 даража иссиқ бўлади.
Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, ёгингарчилик кузатилмайди. Кечаси 1-6 даража илиқ, кундузи 13-18 даража иссиқ бўлади.
Тошкент вилояти. Ёгингарчилик бўлмайди. Ҳарорат тунда 1-6 даража илиқ, кундузи 13-18 даража иссиқ бўлади.
Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, ёгингарчилик кутилмайди. Кечаси 2-7 даража илиқ, кундузи 15-20 даража иссиқ бўлади.
Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари. Ёгингарчилик кузатилмайди. Тунда 2 даража совуқ билан 3 даража илиқ атрофида, кундузи 10-15 даража илиқ бўлади.
Тошкент шаҳри. Ҳаво ўзгариб туради, ёгингарчилик бўлмайди. Ҳарорат тунда 0-2 даража совуқ, кундузи 13-15 даража иссиқ бўлади.
«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.

Халқ сўзи
Народное слово
МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир, Ўткир РАҲМАТОВ
2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1003. 32963 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.
ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.
ISSN 2010-8788

Тахриратта келган қўлхатлар тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун тахриратта жавобгар эмас.
Газета тахрират компьютер нарказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.
[F]-Тўжорат материаллари
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.20 Топширилди — 22.40

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилик кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — А. Қутбиддинов.
Навбатчи — Ф. Абдулов.
Мусахҳах — С. Исламов.